*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КОМИТЕТИ
ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1926 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

№ 227 (9873).

1990 йил
28 ноябрь
чоршанба

Баҳоси 3 тийин.

# *М. С. ГОРБАЧЕВнинг Умумевропа учрашуви тўғрисидаги АХБОРОТИ*

Депутат ўртоқлар! Париждаги Умумевропа учрашуви ҳақида сизларга ахборот беришни ваъда қилган эдим.

Унинг тарихидан олдинги давр ҳақида икки оғиз сўз.

Халқ депутатлари Биринчи съездининг ССЖИнинг ички ва ташқи сиёсати тўғрисидаги қарорида мамлакат хавфсизлигини мустаҳкамлашни ҳамда қайта қуриш учун зарур бўлган тинч ҳамкорликни авж олдиришни назарда тутиб, Умумевропа жараёнини чуқурлаштиришга ҳаракат қилинсин, деган тўғридан-тўғри кўрсатма берилган эди. Биз айни шундай иш тутдик.

Бизнинг фаоллигимиз — аввало Совет — Америка муносабатларидаги фаоллигимиз — ҳамжиҳатлик ва халқаро ишонч муҳитини вужудга келтириш соҳасидаги фаоллигимиз ҳозирги замоннинг энг муҳим муаммоларига янгича ёндашувлар пишиб етилган муҳитни тайёрлади. Бироқ, ўз мамлакатимиздаги, ўтган йилнинг иккинчи ярмидан бошлаб эса Шарқий Европа мамлакатларидаги таг-заминли ўзгаришлар сиёсатчиларнинг, жамоатчиликнинг, халқларнинг қарашларига ва кайфиятларига таъсир ўтказган ҳал қилувчи омил бўлди, албатта.

Европа мамлакатлари ўртасидаги муносабатлардагина эмас, шу билан бирга умуман дунёда ҳам ишончсизлик, қўрқув тез тугай бошлади, сиёсий мулоқот тобора мазмундор ва амалий тус олмоқда, дунёда халқаро вазиятни тубдан ўзгартиришга интилаётган қудратли ижтимоий кучлар ҳаракатга келди. Қуролланиш пойгасининг машаққати унга жалб этилган мамлакатларнинг ривожланишигагина эмас, шу билан бирга бутун жаҳон иқтисодиётига, ҳозирги замон маданиятининг ўткир муаммоларини ҳал этишга ҳам жуда кучли таъсир қилаётган эди.

Ўтган йилнинг кузида биз вазият 1975 йилги Хельсинки учрашувидан кейинги янги, иккинчи Умумевропа учрашувини белгиланган муддатни — 1992 йилни кутмай, яқинлаштириш имконини бермоқда ва талаб қилмоқда, деган хулосага келдик... Бизнинг бу ташаббусимизга аввалбошда ҳадиксираб қарадилар, бироқ кейин унга қўшилиб, тайёргарликка киришдилар. Тўғри, Хельсинки-2 «ўз жойида» қолди, у 1992 йилда ўтказиладиган бўлди. Бироқ, яқинда Парижда бўлиб ўтган учрашувни ўтказишга, уни Европадаги оддий қуролли кучларни қисқартириш тўғрисида шартнома тузиладиган пайтга тўғрилашга қарор қилинди.

Мен шунга асосланаманки, депутатлар учрашув ҳақида эълон қилинган хабарлар билан танишганлар, учрашув анча кенг ёритилди ва табиийки, улар менинг шу масала хусусидаги нутқларим билан ва баён этилган фикрларим билан танишдилар.

Шу сабабли Парижда айтилган гапларни такрорлаб ўтирмайман. Бу ноёб анжуман биз учун, биз ўз мамлакатимизни ўзгартириш ишларини давом эттирадиган ташқи вазият учун қандай аҳамиятга эга эканлигини, учрашув якунларидан қандай амалий хулосалар чиқаришимиз кераклигини баҳолаб беришни ўз вазифам деб биламан.

Анжуманда дунёдаги давлатларнинг қарийб тўртдан бир қисми, шу жумладан иқтисодий жиҳатдан энг яхши ривожланган кўпгина давлатлар ва БМТ Хавфсизлик Кенгашининг 5 доимий аъзосидан тўрттаси қатнашди. Бу мамлакатларда 1 миллиард кишидан кўпроқ аҳоли яшайди. Анжумандаги кўп нарсалар мислсиз эди, кўп воқеалар биринчи бор содир бўлди ва улар ҳақида биринчи бор гапирилди.

Европаликлар энди уруш шабадаси эсиб турган даврда яшамаётганликларини ҳамма илк бор ҳис этди.

Биринчи бор бутун Европа вакиллари ижтимоий-сиёсий йўлни танлаб олиш эркинлигини ва миллий хусусиятлар кўп хиллигини тасдиқлаб, Европа халқларининг манфаатлари ва тақдирлари муштараклигини бир овоздан билдирдилар.

Биринчи бор «Шарқ» ва «Ғарб» мафкуравий можаро ва руҳий уруш тушунчаси деб эмас, балки жуғрофий тушунчалар деб қаралди.

Биринчи бор Умумевропа яхлитлиги азалий орзудан ёки ташвиқотчилик шиоридан кундалик воқеликка айлана бошлади. Бунда иқтисодиёт, энергетика, экология, транспорт, аҳолининг кўчиб юриши, зиёлиларнинг ўзга юртларга кетиши, оз сонли миллатларнинг норозилиги ва ҳоказо шу каби янги муаммолар ва ташвишлар ҳам борлигини ҳамма тушунди ва қайд этди. Аммо булар мухолифлик мақсадларидан ва усулларидан ҳоли бўлган фақат тинч муаммолар эди.

Биринчи бор сиёсий ишонч ҳужжат тарзида расмийлаштирилган ўзаро мажбурият шаклига кирди.

Кейинги вақтларда ССЖИнинг Бирлашган Германия, Франция, Италия, Испания, Финляндия билан тузган (ва тузишга ҳозирлик кўраётган) янги типдаги икки томонлама декларациялари ва шартномалари, шунингдек Париж учрашувининг ўзида 34 давлат имзолаган ҳужжатлар янги Европанинг сиёсий-ҳуқуқий асосини вужудга келтиради, янги Европа XXI асрга шу асос билан боришга қарор берди.

Энди Европада ҳарбий муҳолифлар йўқ. Учрашувда НАТОнинг баъзи аъзолари қилган ҳамма писандаларга қарамай, «совуқ уруш» натижасида вужудга келган блоклар муқаррар равишда ўзининг азалий вазифасини тарк этиб боради. Аммо ҳамма нарсани назарда тутиш ва содир бўладиган воқеаларни синчиклаб кузатиб бориш керак, албатта. Бу ҳақда кейинроқ гапираман.

Шундай қилиб, биз, Совет Иттифоқи Европани янгилашнинг жўшқин, аммо тинч оқимида бораяпмиз, бу Европа демократия, иноқлик, ишонч ва ҳамкорлик қонунлари асосида яшашга жазм қилди ва ўзаро боғлиқлик унинг келажаги эканини тушунаётганини намойиш этди, Камчаткадан Камчаткагача ёки бошқача қилиб айтганда, Аляскадан Аляскагача доира бўйлаб туташадиган чегаралардаги мана шу мутлақо янги халқаро ҳамжамиятда бизнинг ҳозирлигимиз олдимизда мислсиз истиқбол очади. 19—21 ноябрь кунлари содир бўлган воқеалар ҳозирги сиёсий ва иқтисодий инқирозни бартараф этишимизни осонлаштиради... Аммо бунинг учун биз ўзимиз очилаётган имкониятлардан оқилона фойдалана билишимиз керак, албатта. Биз ўз тарихий ислоҳотларимизни амалга ошириш ҳамда тараққиёт ва фаровонликнинг маданий даражасига чиқиб олиш учун ҳозирги даврга мос жуда қулай муҳитга эга бўлиб қолаяпмиз.

Учрашувнинг барча қатнашчилари якдиллик билан бундай дейишди: учрашув Европа тарихида бутун бир даврга чек қўядиган маррани белгилаб берди ҳамда қитъа олдида ва бутун дунё олдида ривожланишнинг мутлақо янги, тарихан узоқ давом этадиган палласини очади.

Париж якунлари ўз аҳамияти ва натижалари жиҳатидан мисли кўрилмаган ҳужжатларда мухтасар ифодалаб берилди, бу ҳужжатлар дунёни мушоҳада қилишнинг кенглиги билан, ниятларнинг бирлиги ва ҳаракатларнинг аниқ дастури баён этилганлиги билан ажралиб турибди. Бу дастур узоқ муддатли тарзда бўлса ҳам, аммо халқларга жуда тез сезиларли фойда келтирадиган қилиб тузилган.

«Янги Европа учун хартия»нинг имзоланиши давлатлар нақадар хилма-хил бўлмасин ва уларнинг суверенлиги ҳурмат қилинмасин, улар моддий ўзаро боғлиқлик ва бирдамликнинг маънавий бурчи муштарак қоидалари асосида биргаликда яшаш мажбуриятини олишларини билдиради. Ижтимоий адолат йўлидаги инсон ҳуқуқлари ва иқтисодий эркинлик, ҳамма учун баб-баравар хавфсизлик — янги Европа тараққиётининг нормаларидир. Бу нормалар биз учун ҳам мажбурийдир, чунки акс ҳолда биз берган ваъдамизнинг устидан чиқмайгина ва бошқа ҳаммадан кўра ҳам бизнинг куч-ғайратимиз билан бунёд бўлган ишни барбод қилибгина қолмай, шу билан бирга ўзимизни шу нормалар ва қоидаларга садоқат туфайли олинадиган манфаат ва афзалликлардан маҳрум этиб ҳам қўямиз.

Европадаги оддий қуролли кучлар тўғрисидаги шартномага ўхшаш шартнома ҳали тузилган эмас. «Совуқ уруш» тугаганлиги ҳақидаги сиёсий баёнотлар энди иккала томоннинг ҳарбий имкониятларини анча камайтирадиган аниқ даражалар ва қоидалар тарзида мужассамлаштириб берилди.

Бундан буён вазият Атлантикадан Уралгача жуда катта ҳудудда қисқартирилаётган кучларнинг мувозанати билан фарқ қилади. Қурол-яроғларнинг асосий кучлари хусусидаги номутаносибликни тугатиш мақсадига эришилди. Европадаги ҳар қандай давлатнинг ҳужум қилиш имкониятлари кескин камайтирилди. Шартномани амалга ошириш шуни билдирадики, буни тўла масъулият билан айтиш мумкин, Европада қўққисдан ҳужум қилишнинг ёки кенг миқёсли ҳарбий операциялар ўтказишнинг мутлақо имкони бўлмайди. Кўзда тутилганидек, ҳарбий ахборот айирбошлаб турилиши пухта ва истисносиз назорат билан бирга қўшилиб, ҳарбий вазиятнинг ва ҳарбий фаолиятнинг шу қадар равшанлигини вужудга келтирадики, шартномани четлаб ўтишнинг ёки пинхона тажовузга ҳозирлик кўришнинг иложи қолмайди.

Қирқ йилдан кўпроқ вақт мобайнида ҳукмронлик қилиб келган стратегия ва доктриналардан ҳеч қандай маъно қолмайди. Шунга мувофиқ равишда муҳолифлик учун тузилган, ҳар ҳолда, муҳолифлик даврида тузилган иккала иттифоқ — НАТО ва Варшава Шартномаси ташкилотининг ҳарбий вазифалари ҳам исталса-исталмаса, ўз аҳамиятини йўқотади.

Аммо иш шу билангина чекланмайди. Шартнома хавфсизликнинг янги мажмуига асос солади. Парижда имзоланган бошқа ҳужжатнинг руҳида шу нарса ўзининг яққол ифодасини топди. Икки блок ўртасидаги шартнома тарзида ўйлаб режалаштирилган бу ҳужжат

**(Давоми 2-бетда).**

## ХОРИЖДАН ХАБАРЛАР

## АЁЛЛАР ҚУРОЛ ЎҒИРЛАШМОҚДА

● ХАНОЙ, 26 ноябрь. (ТАСС мухбири Игорь Шубин). Вьетнамда хотин-қизлар ҳам турли хорижий молларни яширин равишда сотиш билан шуғулланаётганликларига анча кўникиб қолишган. Лекин мамлакат шимолидаги ҳарбий омборларнинг бириданн ўт очувчи қуроллар ҳамда ўқ-дорилар ўғирланганлиги ва сотилганлигини текшириш чоғида аниқланган нарсалар жамоатчиликда таажжуб туғдирди. «Куан дой нян зан» рўзномасининг хабар қилишича, ҳарбий полиция кучлари ҳарбийларнинг бутун бир гуруҳини фош этган, улар орасида тўрт нафар аёл бўлган. Улар бир неча соат мобайнида ўзлари қўриқлаётган омбордан юзтача ўт очувчи қурол ва ўқ-дорилар ҳамда портловчи моддаларни ўғирлашган. Қуролларнинг бир қисми Хитойга сотилган, шунингдек қора дорилар ва қимматбаҳо тошларга алмаштирилган.

Жиноятчилар изни йўқотиш учун «пинхона» бозордан сотиб олинган эски қуролларни тозалаб, уларни янгидек қилиб, омборга олиб келиб қўйишга уринганлар. Лекин улар бунга муваффақ бўлишмаган. Шу ишда қатнашган барча кишилар ҳибсга олинган ва ҳозир улар суд ҳукмини кутишмоқда.

## СЎНГГИ СОАТДА

● **АМЕРИКА** Қўшма Штатлари президенти Ж. Буш ўтган ҳафта ичида катта сафарни амалга оширди. У Саудия Арабистони, Миср, Сурия ҳамда Қувайт раҳбарлари билан учрашди, Форс кўрфази минтақасидаги ҳарбий тангликка дахлдор масалалар бўйича фикр алмашди. Ж. Буш ўз сафари давомида Форс кўрфазида тўпланган АҚШ ҳарбий қисмлари билан ҳам учрашди. У Даҳран ҳарбий базаси учиш майдонида тўпланган Англия, Америка, Саудия Арабистони ҳамда Қувайт ҳарбийлари ҳузурида сўзга чиқиб, можарони тинч йўл билан ҳал қилиш учун қўшимча йўл бошига тайёр эканлигини билдирди. Шу билан биргаликда Ж. Буш Ироқ раҳбариятини огоҳлантириб, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Хавфсизлик Комитети қарорини бажармаслик хусусида улар ҳеч қандай иккиламчи фикрга бормасликлари лозим, шунингдек, улар Қувайт ерида ҳамиша қолишга хомтама бўлмасликлари керак, деб айтди. Саддам Хусайн ўз ҳаётида энг катта хатога йўл қўймоқда,— деди Ж. Буш,— У бутун жаҳон мамлакатлари ҳамжамияти фикрига қарши чиқмоқда, ўз айтганидан қайтмаётир. Бу ниҳоятда қалтис йўлдир.

● **БУЮК БРИТАНИЯ** Бош вазири Маргарет Тэтчер ўн йиллик катта фаолиятидан сўнг истеъфога чиқишга қарор қилди. 22 ноябрь куни ўз ҳамкасблари — вазирлар олдида сўзга чиқиб, ўзининг шундай қарорга келганлигини баён қилди. Эндиликда консерваторлар партияси раҳбари бўлиш учун ташқи ишлар вазири Д. Херд, молия вазири Ж. Мейжор, шунингдек, М. Хезлтайн курашни давом эттирадилар.

● **ПОЛЬШАДА** президент сайлови бошланиб кетди. Президент «курси»си учун олти номзод кураш олиб борди. Жамоатчилик сўровлари натижасига қараганда асосий кураш ҳозирги Бош вазир Тадеуш Мазовецкий ҳамда мустақил касаба иттифоқи ҳисобланган «Солидарность» раиси Леха Валенса ўртасида бўлиши керак эди. Аммо дастлабки турда Л. Валенса ҳамда С. Тиминьский энг кўп овоз олдилар. Иккинчи тур 9 декабрда ўтказилади.

● **ПОРТУГАЛИЯ ССЖИ** иқтисодиётини барқарорлаштиришга кўмаклашиш учун қарз беришга қарор қилди. Ташқи савдо бўйича давлат котиби Нету да Силва баёнотини шарҳлаган «Диарну ди нотисиаш» рўзномаси шу ҳақда хабар берди. Қарз ҳажми тахминан 10 миллиард эскудо миқдорида белгиланмоқда.

● **РАСМИЙ** визит билан Венгрия пойтахтига келган НАТО Бош котиби Вёрнер Венгрия парламенти аъзолари ҳузурида сўзга чиқиб, НАТОнинг мақсади келажакда ҳарбий босқинчилик ҳамда таҳдидлар амалий жиҳатдан мумкин бўлмайдиган Оврупони вужудга келтиришдир, деб айтди.

● **СТАЛИННИ** олиб юрган «ЗИС—115» машинаси Австрия фирмаси «Шерц» томонидан кимошдида савдога қўйилгач, уни Япония кордомонлари сотиб олганлиги маълум бўлди. Машина Японияга келтирилгач, унинг эгаси «ЗИС—115»ни янада қимматроқ пуллаш ниятида эканлигини айтган.

*ССЖИ Олий Кенгашининг қарори*

### 1990 ЙИЛНИНГ 15 НОЯБРИДАН БИР ҚАНЧА ХАЛҚ ИСТЕЪМОЛ МОЛЛАРИГА ШАРТНОМАВИЙ (ЭРКИН) НАРХЛАР ЖОРИЙ ЭТИЛГАНЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН МАМЛАКАТДА ВУЖУДГА КЕЛГАН ВАЗИЯТ ТЎҒРИСИДА

ССЖИ Вазирлар Кенгашининг ахборотини ҳамда Иттифоқ Кенгашининг меҳнат, нарх ва ижтимоий сиёсат, режа ва бюджет молия комиссиялари ҳамда Миллатлар Кенгашининг халқ истеъмол моллари, савдо, аҳолига коммунал-маиший ва бошқа хизматлар кўрсатиш комиссиясининг хулосасини тинглаб, ССЖИ Олий Кенгаши ҚАРОР ҚИЛАДИ:

ССЖИ Вазирлар Кенгашига бир ҳафталик муддат ичида бир қанча халқ истеъмол молларига шартномавий (эркин) нархлар жорий этилганлиги муносабати билан 1990 йилнинг 15 ноябридан кейин истеъмол бозорида вужудга келган вазиятни таҳлил этиш, таҳлил натижалари юзасидан қарор қабул қилиш ва бу ҳақда ССЖИ Олий Кенгашини хабардор этиш топширилсин.

**ССЖИ Олий Кенгашининг Раиси**
**А. ЛУКЬЯНОВ.**

Москва, Кремль.
1990 йил 23 ноябрь.

*ССЖИ Олий Кенгашининг қарори*

## Мамлакатдаги аҳвол тўғрисида

Мамлакатдаги вазият ҳамон ёмонлашиб бормоқда ва қалтис ҳолатга яқинлашмоқда. Сиёсий, ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги ва истеъмол бозоридаги аҳвол мураккаблашмоқда, товар-пул мутаносиблиги бузилган. Миллатлараро муносабатлар кескинлиги хатарли тус олди. Ижроия ҳокимият тузилмаси барбод бўлмоқда. Пинҳоний иқтисодиётнинг салбий таъсири кучайиб, интизом ва тартиб пасайиб кетмоқда, жиноятчилик кўпаймоқда. Мамлакатда туб чоралар кўришни тақозо этаётган фавқулодда вазият вужудга келди.

Айни пайтда ССЖИ Олий Кенгаши, жумҳуриятлар Олий Кенгашлари ва ижроия бошқарув идоралари фаолиятидаги номувофиқлик мамлакатдаги ижтимоий-сиёсий вазиятга салбий таъсир кўрсатмоқда. Турли даражадаги қонун чиқарувчи идораларнинг бир-бирига зид ҳужжатларни қабул қилиши кўпаймоқда. Қабул қилинаётган қонунлар ва ССЖИ Президентининг фармонлари кўп ҳолларда бажарилмай қолмоқда ёки кўнгилдаги натижаларни бермаяпти. Шу муносабат билан ССЖИ Олий Кенгаши мустақил жумҳуриятларнинг манфаатларини таъминловчи янги Иттифоқ Шартномаси асосида ССЖ Иттифоқини сақлаб қолиш зарурлигини эътироф этиб, оралиқ тадбири сифатида ССЖ Иттифоқи билан федерация субъектлари ўртасида қонун чиқариш ва иқтисодий фаолият соҳасида ваколатларни фарқлаб қўйишга доир ССЖИ қонунларига асосланувчи икки томонлама ва кўп томонлама битимлар тузишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди.

ССЖИ Президентининг, жумҳуриятлар раҳбарлари ва ССЖИ халқ депутатларининг таклифларига асосланиб, ССЖИ Олий Кенгаши **қарор қилади:**

**(Давоми 2-бетда).**



● **ХИТОЙ** Халқ Жумҳуриятининг Харбин шаҳри Хэйлунцзян вилоятининг асосий шаҳарларидан биридир. Унинг суратда тасвирланган қисмини рус муҳожирлари 20—30-йилларда барпо этган эдилар. Суратда: Харбиннинг руслар бунёд этган биноларидан бири.

С. КОЗЛОВ сурати.
(ТАСС).

*• Президент дастурини қўллаб-қувватлаймиз*

## ДИЛДАГИ ГАПЛАР

**Иттифоқимиз Президенти Михаил Сергеевич Горбачевнинг ССЖИ Олий Кенгаши сессиясида сўзлаган нутқини жойларда кўпчилик кенг қўллаб-қувватламоқда. Чунки унда кейинги пайтда кўпчиликни ўйлантириб келаётган муаммолар ва уларнинг ечими ўз аксини топган. Бу ҳақда муҳаррирнятимизга турли хабарлар келиб турибди. Ҳозир шулардан айримларини эътиборингизга ҳавола қиламиз.**

**И. ОРТИҚОВ,**
**Бўстонлиқ ноҳиясидаги Ғазалкент саноат-қурилиш материаллари ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчиси, КПСС XXVIII съезди делегати:**

— Михаил Сергеевич Горбачевнинг Иттифоқимиз Олий Кенгашидаги сўзлаган нутқини эшитиб, мен ниҳоятда таъсирландим. Чунки шу давргача Иттифоқимизда мавжуд бўлган муаммолар ҳеч бир анжуманда бу тарзда кескин қилиб қўйилмаган эди. «Ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, мамлакатимиз ҳар бир фуқаросининг хавфсизлиги тўғрисидаги талаблар ҳаққоний янграмоқда», дейилади унда. Тўғри-да, ахир оддий ишчи ёки хизматчи кун бўйи ишлаб келгандан кейин ўзининг ва шу жумладан яқинлари тақдирини бехатарлигини талаб қилишга юз фоиз ҳақлидир. Бунинг учун эса ички ишлар органларига ўткинчи кишиларнинг кириб қолаётганлигига барҳам беришимиз лозим. Ҳар бир ички ишлар ходимида юксак онглилик, ўзгалар учун ва уларнинг хавфсизлиги учун қайғуриш ҳисси мавжуд бўлмоғи керак. Шунинг учун ҳам мамлакатимиз Президентининг бу соҳада жойларда зудлик билан ташкилий ўзгаришларни қилиш ўринли бўлади, деган сўзлари кўпчиликнинг кўнглидаги гапдир.

* * *

**Х. ОМОНОВ,**
**Янги Тошкент консерва комбинати ишчиси, жамоатчи мухбир:**

— Мамлакатимизда уюшган жиноятлар, чайқовчилик, пинҳоний иқтисодиётнинг авж олганлигини ССЖИ Президенти Михаил Сергеевич Горбачев очиқ-ойдин сўзлаб берди. Мен бу фикрларга қўшиламан. Чунки кундан-кунга кўпайиб бораётган салбий ҳодисалар одамлар кайфияти ҳамда ҳаловати бузилишига сабаб бўлмоқда. Менинг фикримча пинҳоний иқтисодиётнинг кўпайишига асосий сабаб партия ташкилотларининг хўжалик ишларига аралашмаётганликларида деб биламан. Қабул қилинган кўпгина қарорлар ҳаётга тадбиқ этилмаяпти. Ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш фақат ички ишлар бўлимларининг вазифаси десак хато қилган бўламиз. Бунинг учун партия, касаба уюшмаси, комсомол, халқ назорати қўмитаси фаоллари ҳамкорликда иш олиб боришлари лозим.

ВОҚЕА АРАФАСИДА

## ЎЗБЕКИСТОН ПАХТАСИ ТОШКЕНТДА СОТИЛАДИ

**28 ноябрь куни Тошкентда Ўзбекистон ССЖнинг пахта маҳсулотини улгуржи сотиш жумҳуриятлараро ярмаркаси иш бошлайди. Бу жумҳуриятда ана шундай тадбир ўтказишдаги дастлабки тажрибадир, чунки шу пайтгача Ўзбекистон пахтаси Москвада сотилар ва бу иш билан «Союзглавлегпромсирье» Бутуниттифоқ ташкилоти шуғулланар эди. Зотан, ана шу ташкилот ҳам шу кунларда ярмарка ўтказмоқда ва унда тўқимачилар мамлакатнинг бошқа пахтакор жумуҳриятларидан келтириладиган толага баҳо бермоқдалар.**

**Ўзбекистонда эса бу вазифа эндиликда Ўзбекистон ССЖ Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги таъминот ҳамда енгил саноат хом ашёси ва маҳсулотини сотиш бош бошқармаси зиммасига юкланган. Бошқарма пахта заводи ходимларидан маҳсулотни харид қилади ва уни истеъмолчиларга сотади. Бошқарма ходимлари ярмаркага тайёргарлик кўрдилар ва уни ўтказадилар. Бундай ёндашув жумҳуриятнинг иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамлаш, пахта заводларининг бутун маҳсулотини бир жойга тўплаш ва уни мақбул шартларда сотиш имконини беради.**

**Тола ва пахтани қайта ишлаш йўли билан олинадиган бошқа маҳсулотларни «Хлопкопром» ташкилотининг барча вилоят бирлашмалари, шунингдек пахтани қайта ишлайдиган заводларни ижарага олган айрим совхозлар ва колхозлар етказиб берадилар. Ҳамиша бўлгани сингари, Ўзбекистон пахтасининг харидорлари кўп — мамлакатнинг барча минтақаларидаги ўнлаб енгил саноат корхоналари пахтамизни харид қилиш ниятидадир. Келаси йили пахта маҳсулотининг анча қисми чет элга ҳам сотилади.**

**Ярмарка Ўзбекбирлашувнинг Кооперация уйидаги кўргазма залида ўтказилади ва 7 декабргача давом этади.**

**(ЎзТАГ мухбири).**

## ЖУМҲУРИЯТ ЧЕКИСТЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВ

Ўзбекистон ССЖ Президенти, Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасининг биринчи котиби И. А. Каримов жумҳурият Давлат хавфсизлиги қўмитасининг ходимлари билан учрашди.

У Ўзбекистондаги ижтимоий-сиёсий вазият, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ривожланиш вазифалари қандай ҳал этилаётгани тўғрисида гапириб берди ҳамда йиғилганларнинг кўплаб саволларига жавоб қайтарди.

Учрашувда Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасининг иккинчи котиби А. С. Ефимов қатнашди.

**(ЎзТАГ).**

## ВИДЕОҚАРОҚЧИЛАРГА ҚАРШИ ҲУЖУМ

● БУДАПЕШТ, 26 НОЯБРЬ. (ТАСС мухбири Андрей Куклин). Шу кунларда таъсис этилган умумвенгер видеотекалар бирлашмаси видеоқароқчиликка қарши уруш эълон қилди. Бирлашмага мамлакатда ишлаб турган бир неча фирма, шу жумладан қўшма корхоналар кирди. Яширин иш олиб борувчи фирибгарларга қарши курашишга, ўз манфаатларини ҳимоя қилишда умумий ташкилот тузишга уларни «пинхона бозор»да кескинлашиб кетган рақобат мажбур этди. Видеотекаларнинг ҳуқуқларини ва манфаатларини қонуний ҳимоя қилиш, «видеоқароқчиликка» қарши курашда қонун таклифларини тайёрлаш янги ташкилотнинг вазифасига киради. Венгрияда ҳамма ерда: бозорларда, ер ости ўтиш йўлларида, автобус бекатларида, дўкончаларда яширин кассеталар билан савдо қилмоқдалар. Асосан Ғарбда кейинги вақтда тайёрланган жангарилар ҳаётидан олинган бўлмағур фильмлар таклиф этилади. Бундай маҳсулотларнинг техникавий ва эстетик сифати шубҳали бўлганлиги учунгина эмас, айни вақтда муаллифлик ҳуқуқлари ошкора бузилаётганлиги, фирибгарлар ўз даромадларини солиқ солинишидан яшираётганликлари ҳам бундай фаолиятга қарши норозилик келтириб чиқарди.

## ФАХРИЙ ЁРЛИҚ МУБОРАК!

Ўзбекистон Компартияси Тошкент вилоят қўмитаси ҳамда вилоят ижроия қўмитаси партия органларида узоқ йиллар самарали ишлаганлиги учун вилоят партия қўмитаси умумий бўлими мудири **Тўлқин Муҳиддинович Қозоқбоевни** Ўзбекистон Компартияси вилоят қўмитаси ва вилоят ижроия қўмитасининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.




Мана бир ярим йилдан бери Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси қошида Бадиий таржима ва адабий алоқалар маркази иш олиб бормоқда. Ўтган давр мобайнида марказ таржима борасида бир мунча ишларни амалга оширди. Ўзбек адабиётининг хорижий таржимонлари I кенгаши (Тошкент, 1989), «Бадиий таржима ва ўзбек адабиётининг халқаро алоқалари» кенгашлари (Самарқанд, 1990 йил апрель) ўтказилди. Москва ва қардош жумҳуриятлар нашриётлари билан алоқа боғлаш, хорижда адабиётимиз тарғиботи, Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллигига тайёргарлик марказнинг эътиборида турган асосий масалалардандир. Қилинган диққатга сазовор ишлардан бири марказнинг фаол аъзоси, истеъдодли таржимон, арабшунос Алоуддин Мансур тарафидан «Қуръон»и каримнинг ўзбек тилига таржима этилишидир. Ушбу дурдона ҳозир «Шарқ юлдузи» мажалласида эълон қилинмоқда.

Қисқа вақт ичида марказ жаҳоннинг турли тилларидан таржима қила оладиган ижодкорларни ўз атрофига бирлаштирди. Мана энди у ўз нашрига ҳам эга бўлди. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси котибиятининг 1990 йил 27 сентябрдаги қарори билан «Ер юзи» (ўзбек тилида — йилига 3 та), «Туркистон» (рус тилида — йилига 1 та) баёзлари «Ёзувчи» нашриёти томонидан чоп этилади.

Шу кунларда «Ер юзи» баёзининг биринчи сони босмага тайёрланди. Унда ўқувчилар Шарқ маданияти дурдоналаридан Абдулла Ансорий рубоийларини ўқийдилар. Шарқнинг машҳур алломаси, юртдошимиз, фақиҳ Шайх Бурхониддин Марғинонийнинг «Ал-Ҳидоя» асари жаҳонда жуда машҳурдир. Ушбу асар биринчи марта араб тилидан туркий тилга таржима қилинмоқда. Покистонлик олим С. Маҳмуднинг мухтасар қилиб ёзилган «Ислом тарихи» китоби жаҳоннинг кўп тилларида жаранглаб садо бериб турибди. Бу асар ҳам ҳозир инглиз тилидан ўзбек тилига таржима этилди. Шунингдек, немис Гюнтер де Бройннинг «Тристан ва Изольда» қиссаси, фарангчадан Андре Моруанинг «Фасллар ва гуллар» ҳикояси, Вильям Шекспирнинг «Афиналик Тимон» фожиасидан парчалар баёздан ўрин олган. Чўлпоннинг таржима ижодидан намуналар ҳам диққатга сазовордир. Шунингдек жуда кўп қизиқарли материаллар, марказ фаолиятига оид хабарлар ўқувчини бефарқ қолдирмайди.

Қуйида берилаётган материаллар «Ер юзи»нинг биринчи сонидан намуналар, холос. Лекин шунинг ўзи ҳам сизга таржима маркази фаолияти ҳақида маълум тасаввур бера олади, деб ўйлайман.

**Муҳаммад АЛИ,**
Ўзбекистон Бадиий таржима ва адабий алоқалар марказининг раиси.

*Шайх Бурхониддин Марғиноний*

# «АЛ-ҲИДОЯ»

Бисмиллоҳир Роҳманир Роҳим.

Илм хазинаси — китоблар ва унинг дарғалари — уламоларнинг фазилатларини кўкларга кўтарган, шариат йўл-йўриқлари ва аҳкомларини баён айлаган, пайғамбарларни ва ҳақиқат йўлига бошлагувчи қилиб юборган, уламоларни уларнинг маслакларига даъват этгувчи қилиб улар ортларида қолдирган Зот—Оллоҳга мақтовлар бўлсин.

Уламолар пайғамбарлардан ривоят қилинмаган йўл — Ижтиҳод йўлини танлаб олганлар ва бу борада улар Оллоҳдан ҳидоят талаб этганлар. Унинг рушди—ҳидояти билан ижтиҳод мақомига эришган аввалги уламоларимиз ҳар бир дақиқ ва нозик масалаларга ҳам ечим топганлар. Аммо ҳаётда ҳодисалар кетма-кет воқиъ бўлиб тургувчидир. Бинобарин, уларга мос масалалар ишлаб чиқиш гўё сув бўйидан тутқич бермайдиган ўлжани овламоқ каби машаққатликдир. Ҳаётда рўй берган воқиа-ҳодисалардан ибратланиш — бу ўтган уламоларимизнинг маҳоратларидандир. Масалаларни далил ва ҳужжатлар билан исбот этиш уларнинг камолот чўққисини ишғол қилганликларидандир.

«Бидоятул Мубтадий» китобимнинг дебочасида Оллоҳнинг ҳидояти билан унга шарҳ битиб уни «Кифоятул Мунтаҳи» деб атайман, деган ваъда қилган эдим. Шунга биноан, уни таалиф этишга киришдим. Ваъда — у имкониятлардан келиб чиқиб баъзи нарсаларга ижозат ҳам беради. Мен «Кифоятул Мунтаҳи» асарининг тугатиш арафасида уни ниҳоятда чўзилиб кетганлигини англадим ва шу туфайли «Бидоятул Мубтадий» китобим мутоала қилинмай қолинишидан қўрқдим ва «Ал-Ҳидоя» номлик қисқа шарҳ ёзишга диққатимни қаратдим. Бу китобда Оллоҳнинг тавфиқи билан асосий нақлий ва ақлий далилларни жамъ этиб, «Кифоятул мунтаҳи» китобига киргизилган ортиқча тафсилотларни тушириб қолдиражакман. «Ал-Ҳидоя» китоби қисқа бўлишига қарамай у ўз ичига зарур мавзуълардан иборат бир нечта фаслларни қамраб олган. Оллоҳ Таолодан «Ал-Ҳидоя» китобини ниҳоясига етказишимда тавфиқ сўрайман ва уни тугатганимдан сўнг мени саодатманд қилишини тилайман, токи олий ҳиммат толиби илмлар катта ҳажмдаги, муфассал ёзилган «Кифоятул Мунтаҳи» китобини ўқишга рағбат этсинлар, вақтлари зиқлари эса кичик ва мухтасар «Ал-Ҳидоя» китобини мутоала қилиш билан кифоялансинлар. Ёқтириш ҳиссиёти инсонларда турликдир. Аммо илм-фаннинг ҳар бири хайрликдир.

Сўнгра баъзи бир биродарларим уларга атаб иккинчи мажмуъани ёзиб беришимни илтимос қилдилар. Ёзажак сўзларимни таҳрир этишда Оллоҳ Таолодан мадад сўраган, амалга оширишга ҳаракат қилаётган ишларимни осон қилишда Унга илтижо қилган ҳолда ёзишни бошладим. Зеро У ҳар бир машаққатни осон қилгувчи, истаган нарсасига Қодир ва Ҳожатбарор Зотдир.

Оллоҳ — бизнинг ҳожамиз. Мададкоримиз нақадар тенгсиз.

# ИМОМ ТЕРМИЗИЙ РИВОЯТ ҚИЛГАН САҲИҲ ҲАДИСЛАРДАН

1. Хазрат Аби Дордо Розияллоҳу анҳудан морвийдурки, Пайғамбар аллайҳиссалом айтадилар: «Бир мўмин яна ўзига ўхшаган бир мўминнинг обрўсини сақлаб қолса Оллоҳ Таоло унинг юзини жаҳаннам ўтидан узоқ қилур».

2. Ҳазрати Абу Ҳуройра Розияллоҳу анҳу дебдурлар: «Мен жаноб Расулоллоҳ каби гўзал инсонни умрим давомида учратмадим. Офтоб гўё у кишининг чеҳралари бўлиб, дунёни шу нур ёритаётгандек. Қадам босишда ҳам ҳеч бир инсон у зот каби тез рафтор ва собитқадам эмас эди. Юрганларида гўё ернинг таноби у киши учун тортилиб тургандек бўларди».

3. Ҳазрат Солмон Форсий Розияллоҳу анҳу ривоят қиладиларки: «Мен жаноб Расулоллоҳдан эшитдимки, таомнинг баракаси овқатдан олдин ва кейин қўл ювишдадир».

4. Ҳазрат Абу Усмондан ривоят қилинадики: «Расулоллоҳ айтдиларки, сизлардан бир кишига райҳон ҳадя қилсалар қайтарманглар, чунки райҳон жаннатдан чиққандур».

5. Ҳазрат Омина Розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расулоллоҳнинг сўзлари тартибсиз бўлмас эди, балки ҳар бир жумлалари очиқ-равшан баён қилинарди. Мажлисларда бор одам сўзларини яхши тушуниб, ёд қилиб олар эди».

6. Ҳазрат ибн Аббос Розияллоҳу анҳу дебдурлар: «Расулоллоҳ алайҳиссалом эҳсонда ва карамда башар жинсидан бирортаси қила олмайдиган саховатни қилар эдилар. Ўзлари дарвешона ҳаёт кечирсалар ҳам, эҳсон-мурувват қилишда шаҳаншоҳларни шарманда қилур эдилар. Айниқса, рамазон ойида ҳаддан зиёд мурувватли бўлар эдилар. Жаброил алайҳиссалом билан мулоқот қилган вақтларида булут олиб келган ёмғирдан ҳам зиёда саҳий бўлур эдилар. Ҳамма баробар наф олур эди».

**Арабчадан Анвар ТУРСУН таржимаси.**



Суратда: «Ер юзи» баёзининг бош муҳаррири Муҳаммад Али (ўртада), ижодий ходимлар (чапдан) Муқимжон Маҳмудов, Шариф Холмуродов, Муҳаммад Исмоил ва Сиддиқа Аъзамовалар билан.

Сураткаш И. ДЕНИКАЕВ.

*Абдулло АНСОРИЙ*

# РУБОИЙЛАР

Хақ йўлида икки Каъба бўлмиш ҳосил,
Бир — Каъбайи сурват эса, бир — Каъбайи дил.

Сен сайла ва дилларни зиёрат айла,
Минг Каъбадан ортиқроқ эмишдир бир дил.
* * *

Мақсуди дилинг, муроди жонинг ишқдир,
Сармояйи умри зиндагонинг ишқдир,

Ёд айлаки, ишқдин бақо топди Ҳизр,
Яъники, ҳаёти жовидонинг ишқдир.
* * *

Пайваста дилим мудом ризойинг айтсин,
Жоним нафас олганда дуойинг айтсин.

Қабрим бошида агар ўсар бўлса гиёҳ,
Япроғи атр сочиб, вафойинг айтсин.
* * *

Келдим кеча, қон қилди юришмай корим,
Бул кун қизимай, касод эрур бозорим.

Эрта кетадурман, билмайин асрорим,
Не афзал эмиш бўйла йўқимдин борим?..
* * *

Маҳшар куни ошиққа бўлак кор бўлмас,
Ер юзига боқмас эрса ул, бор бўлмас.

Враслинг кўйидин биҳишт сари бошласалар,
Бормаймен, агар ваъдайи дийдор бўлмас...
* * *

Юз йил ёнамен оловда, ёнмоқ на эмиш,
Ёнмоқ менга ўйла роҳати кавсар эмиш.

Суҳбат қила кўрма ноаҳллар била ҳеч,
Ўлмоқ ўшалар суҳбатидин афзал эмиш...
* * *

Мендин неча юз журму гуноҳ кўрмишсен,
Лек лутфу карам бирла аяб турмушсен.

Сен менга суюксен, аҳли оламга суюк,
Чин лутфу карам соҳиби сен эрмишсен...

**форсийдан Жамол КАМОЛ таржималари.**

# ИНГЛИЗ ХАНДАЛАРИ

Соатига 80 км. тезликда йўл босаётган моторли велосипед ҳайдовчиси миршаб ишорасига бўйсуниб тўхтади.

— Нега тўхтатдингиз? Жуда тез ҳайдадимми? — сўради у гуноҳкорона.

— Йўқ, сен жуда пастлаб учдинг, — жавоб берди миршаб.

* * *

— Ўрмонда кетаётганингизда сизни йўлбарс егани яхшими ёки айиқ еганими?

— Менимча, йўлбарс айиқни еса яхши бўларди.

* * *

Эр (тўнғиллаб, жаҳл билан): — Аҳмоқ эканман-да, сенга уйланибман...

Хотин (секин хонадан чиқаётиб): — Ҳа, шунақа эдинг, аммо мен сени яхши бўлиб кетарсан, деб умид қилган дим...

* * *

Шоир: — Кеча ёзган шеъримни ҳеч қаердан тополмаяпман, нима бало, ўғлимиз Эмили уни ўтга ташладимикин?..

Хотин:— Бўлмағур гап. Бола уни ўқий олмайди-ку.

**Инглизчадан Бувнобида РАФИҚОВА таржималари.**

*И. А. КРИЛОВ*

# БЎРИ БИЛАН ҚЎЗИЧОҚ

Дарахтнинг бўшини қурт ейди доим,
Тарихда мисоллар жуда кўп бунга.

Тарих тўғрисида қолайлик-да жим,
Бир эртак сўйлайлик, қулоқ бер
шунга.

Ёзнинг иссиқ бир кунида
Қўзи борди сув ичгали.

Ўз жонига қасд қилгандан
Хабари йўқ унинг ҳали.

Ўша жойда оч Бўрининг
Юрганини билмайди у,

Шу чоқ бирдан рўпарадан
Бўри чиқиб қолади-ку.

Ўз ишига оз бўлса ҳам
Қонуний тус бермоқ бўлиб,

Қичқиради Қўзичоққа —
Икки кўзи қонга тўлиб:

«Сен ифлосни биламан ман.
Тумшуғингни сувга тиқиб
Тоза сувни булғатасан.

Сув юзига қолар чиқиб
Тагидаги ҳамма лойлар,

Тоза бир сув ичолмайман
Бу ариқдан йиллар, ойлар.

Бу ишингга чидолмайман.
Тутиб олиб бир ямлайман...»

Қўзи деди: «Эй, ҳурматлик,
Арзимни бир тингласалар,

Менинг ҳеч бир гуноҳим йўқ,
Менга ғазаб қилмасалар.

Юз қадамча пастдаман мен
Жанобингиз ичган жойдан.

Менинг асло хабарим йўқ
Сув бетига чиққан лойдан»,

«Демак, менинг гапим ёлғон?
Бу гуноҳинг ундан ёмон.

Дунёда йўқ бундай бўҳтон.
Шошма ҳали, сен баччағар

Уч йил бурун жуда дағал
Бир гап қилиб эдинг менга.

Кўрсатаман энди сенга»
«Ўтган йили туғилдим-ку?»

«Ундай бўлса, акангдир у».
«На акам бор, на укам бор...»

«Гап қайтарма эй баччағар.
Уруғингдир, аймоғингдир,
Бирон оғзи маймоғингдир.

Улардан ҳам тонасанми,
Тонмоқ шунчалик осонми?

Сиз ҳаммангиз бир бўласиз.
Доим менга қасд қиласиз.

Ҳамманг менга бир дардисар,
Ҳаммасига сен жавобгар».

«Тақсир, менинг айбим нима?»
«Жим тур энди, кўп гапирма.

Суриштириб ўтиришга вақтим борми?
Қорин очса, овқат бўлса —
танланарми?

Айбинг шуки учраб қолдинг
қорним очганда».

Шундай қилиб, Қўзичоқни еди
ўрмонда.

Русчадан
**Абдулҳамид ЧЎЛПОН таржимаси.**

*Сами ПОШОЗОДА САЗОИЙ*

# ПАНТОМИМА

Боши берк кўчадаги уч хонали ғариб уй эски мозор каби абадий сукунатга чўмган. Файзсиз, ташландиқ бу уйнинг ҳовлисида бир неча йиллардан бери шипдан кўчиб тушган тахта-ю, девордан уқаланиб тушган тошлар қаровсиз сочилиб ётибди.

Ора-сира римлик қари кампир жодугарларга хос даҳшат ва сукут билан ташқарига чиқар, керакли нарсаларини харид қилгач, ичкарига кириб кетарди.

Ёзнинг оташли қуёши Истамбул кўчаларини чидаб бўлмас даражада қиздираётган бир пайтда уйнинг кичкинагина боғини ўраб турувчи девор ёнидаги катта дарахт япроқлари орасига яширинган салқин шабадани уйғотиб, уй ва маҳалланинг улкан яшил елпиғичи бўлиб ҳавони тебратиб янгилаб туради.

...Иссиқ кунлардан бири эди. Тушликка яқин уйдан тугун кўтариб чиққан одам эшикни авайлаб қулфлаб, йўлга тушди. Орқасидан қараганда ўмизлари билан белининг кенглиги хиёл сезилиб турган пишиқ жуссали ўттиз ёшлардаги бу киши йўғон, лекин жуда қисқа оёқлари устидаги юкни кўтармоқчи бўлиб жуда азоб чекаётгани шундоқ кўриниб турарди.

Чекка маҳаллаларнинг ёлғизоёқ тор йўлларида мутафаккирларга ўхшаб маҳзун қиёфада бораётган бу одам халқни кулдириш учун кетаётган эди.

Паскал театр эшигини очиб, неча йиллардан бери ўзгармай келаётган оппоқ кулоҳини кийди. Юзларини унга, қурбақанинг кўзларини эслатувчи қора кўзларининг пастки қовоқларини қирмизи рангга бўяганига бир соатча бўлар-бўлмас, дунёдаги ҳамма нарсани унутиб, беташвиш кўнгиллардан чиқиб юксалаётган қаҳ-қаҳа садолари, қарсаклар остида «ижрои-луббият» қила бошлади. Бир аёлга ошиқ бўлган йигитни ижро этаётган Паскалнинг муҳаббат изҳор қилиш учун тилини чиқариши, ёр илтифотига сазовор бўлиш учун ўзига дор ясаши жуда кулгили чиқар эди.

Театр биносининг шипига тираб қўйилган ўртадаги айланма устунга суяниб, оғзида сигарет билан ўйинни томоша қилаётган бир сайёҳ:

— Шу Паскалнинг тилини тезроқ чиқаришнинг ҳеч иложи йўқми? Кўрган одамнинг кулгидан ичаги узилади, — дерди.

Ўриндиқлардан бирида маъсум, кулишлари билан аламзада ҳаётга тасалли берувчи ёш қизлардан бири ўтирар, нашъа билан қанотларини ёзиб учаётган қушлар каби кафтларини бир-бирига уриб, беғубор табассуми билан Паскални олқишларди. Афтолия исмли йигирма ёшлардаги бу қиз кекса онаси билан ҳар ҳафта шу ерга келарди. Онаси:

— Қизим, бу ерни бунча ёқтирмасанг? — деб сўраганида, у Паскални яқинда ўлиб қолган садоқатли итига ўхшатишини ва баъзан унинг кўриниши бир мартагина кўрган бўлса ҳам, жуда ёқиб қолган маймунни эслатишини кулиб сўзларди. Бу кун эса оппоқ либосда табассумлар сеҳридан ғунчадай очилган қиз ўтирган еридан гуллар отарди. Гуллар Паскалнинг юзига, кўксига тушар, у эса қўллари билан кўксини ушлаганича нақ жон жойидан яраланган йиртқич ҳайвон сингари аччиқ-аччиқ фарёд қиларди.

Бир-икки дақиқадан кейин театр бўшаб қолди. Ташқаридан ҳамон одамларнинг қаҳ-қаҳаси эшитилар, у эса ўтирган кўйи ич-ичидан йиғларди. Бахтсиз Паскал гўзал Афтолияни севар, бу ноқис вужуд у камоли хилқатга ошиқ эди. Фақат кўнглининг энг яширин бурчагида асровчи муҳаббатини бирор кимсага айтмоққа, уйдаги болалигидан сирдоши бўлган қари хизматчиси билан хасбиҳол қилишга ҳам жасорат этолмасди. Умрида бирорта аёлнинг назарига ва илтифотига ноил бўлмаганди. Ундан фақат кулдиришни талаб қилишарди. Мана ҳозир ҳам у кўз ёшларига ғарқ бўлаётган пайтда ҳамма қаҳ-қаҳ отиб кулмоқда...

Даҳшатли хабар келтирган ой ҳам тезда ўтиб кетди. Афтолия икки ҳафтадан бери театрга келмас, у турмушга чиқаётган эди. Бахтсиз Паскал жума кунларининг бирида турмуш ўртоғи билан театрга келган Афтолияни кулдириб, вужудида нелар кечаётганини билдириб қўймаслик учун бошини эгганича тезда уйига жўнади. Эшикни ичкаридан қулфлаб, тамбалаб олди.

Эртаси куни тушликдан кейин эшикни бузгудай тақиллатиб ҳеч бир жавоб ололмаган римлик кампир минг хил шубҳа ва қўрқув ичида маҳалладаги одамларни чақириб келди. Эшикни бузиб ичкарига ёпирилганларнинг ҳаммаси хонага кирар-кирмас беихтиёр кула бошлашди. Чунки Паскал ўзини осиб қўйган одамга тақлид қилиб, тилини осилтириб турарди.

Ҳаётида ҳаммани кулдириб яшагани етмагандай, мамотида ҳам бирор кимсани йиғлатмаган шўрлик Паскалнинг бу сафарги ҳолати тақлид эмас, оддий ҳақиқат эди.

**Туркчадан Нафиса СУЛТОНҚУЛОВА таржимаси.**

# ИЖОДИЙ-АМАЛИЙ САФАР

Марказнинг катта илмий муҳаррири Ҳ. Исмоилов Фарангистон (Франция)даги «Аксион поэтик» нашриёти таклифига биноан шу мамлакатда сафарда бўлиб қайтди. Унинг мазкур нашриёт билан ижодий ҳамкорлиги анчадан бери давом этиб келяпти. Ўтган йили нашриёт ва унинг ўз номидаги ойномаси раҳбари истеъдодли шоир ва таржимон Анри Делюи Иттифоқимизда бўлиб, Ҳ. Исмоилов билан ўзбек классик шоирлари шеърларини фаранги тилига ўгириш устида биргаликда иш олиб борди. Шу ҳамкорлик меваси сифатида ойноманинг 1990 йил 7 сонида Хўжа Аҳмад Яссавий, Лутфий, Навоий, Ҳусайний, Бобур, Машраб, Нодира, Огаҳий, Фазлий, Маҳзуна, Увайсий ижодидан намуналар чоп этилди.

Ҳ. Исмоилов сафар давомида Алишер Навоий таваллуди муносабати билан Фарангистонда унинг шеърлар мажмуасини нашр этиш мақсадини кўзлаган эди. Бобокалонимизнинг ғазаллари, мухаммас, мусаддас, рубоий, қитъа, фард ва чистонларидан иборат китоби қисқа муддатда таржима қилиниб, нашрга тайёрлаб қўйилди. У яқин орада китобхонлар қўлига тегади. Умуман «Аксион поэтик» нашриёти ва ойномаси билан доимий ҳамкорлик қилиб туриш тўғрисида битим тузилганлиги диққатга сазовордир.

Бундан ташқари Навоийнинг таваллуд санасини Фарангистонда кенг нишонлаш доирасида Жорж Помпиду маданият марказида, Араб дунёси илмгоҳида, Париж миллий кутубхонасида, «Комеди Франсэз» театрида, ЮНЕСКО маданий марказида 1991 йилнинг иккинчи ярмида махсус кечалар ўтказишга, «Радио Франсэ интернационал»да ўзбек адабиёти ва ҳозирги замон муаммолари ҳақида эшиттиришлар уюштиришга, ҳозирги замон фаранги шеърияти билан ўзбек китобхонларини таништириш мақсадида шеърий тўплам тайёрлаб берилиши хусусида битимга келинди.

